


**ТАРМОҚЛАР ВА ИҚТИСОДИЁТ  
ОБЪЕКТЛАРИ  
БАРҚАРОРЛИгини  
ОШИРИШ**

# ТАРМОҚЛАР ВА ИҚТИСОДИЁТ ОБЪЕКТЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШ



1. Иқтисодиёт объектлари ва тармоқлари барқарорлигини ошириш тушунчасининг моҳияти ва мазмуни
2. Иқтисодиёт объектларининг барқарорлигини ошириш муаммолари юзасидан тадқиқотлар ўтказишни ташкил қилиш
3. Иқтисодиёт объектлари ишлаши барқарорлигини оширишнинг асосий йўналишлари

Ишлаб чиқариш объект-ларининг барқарорлиги деганда, унинг ишлаб чиқаришдаги режалаштирилган ҳар хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ва носоз ҳолга келган ишлаб чиқаришни қисқа муддатда тиклаш қобилияти тушунилади.

Моддий бойликларни ўзлари  
ишлаб чиқармайдиган  
объектларнинг **барқарор фаолият**  
**кўрсатиши** деганда фавқулодда  
ҳолатлар даврида уларнинг ўз  
функцияларни тўлиқ бажара олиш  
қобилияти тушунилади.

Иқтисодиёт тармоқлари фао-  
лиятининг барқарорлиги деганда  
тармоқнинг ундаги объектлар қисман  
вайрон бўлиши, ишлаб чиқариш  
алоқаларининг бузилиш шароитларида  
асосий маҳсулот-ларни белгиланган  
ҳажмда ишлаб чиқариши ва давлат  
талабларини қондира олиши  
тушунилади.

# ИҚТИСОДИЁТ ОБЪЕКТЛАРИДА ИШЛАШ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАРИ

**ТАБИИЙ ХУСУСИЯТЛИ  
ОМИЛЛАР**

**ИЧКИ ОМИЛЛАР**

**ОБЪЕКТНИНГ  
ЖОЙЛАШГАНЛИГИГА ҚАРАБ**

## **ИЧКИ ОМИЛЛАР:**

- ишчи ва ходимларнинг умумий сони;
- объектнинг ўлчамлари ва тавсифи;
- ишлаб чиқариладиган маҳсулот;
- иморат ва иншоотларнинг қурилиш тавсифи;
- ишлаб чиқаришда қўлланиладиган технологиялар;
- материаллар;
- моддаларнинг хусусиятлари;
- энергетиканинг асосий турлари;
- сувга бўлган талаб;
- ТЭЦлари (қозонхоналари) борлиги;
- трансформаторлар;
- газ тақсимлаш станциялари (пунктлари);
- оқова сувлар тизимининг тузилиши ва умумий қуввати

## ТАБИЙ ОМИЛЛАР

### ХАВФЛИ ТАБИЙ ХОДИСАЛАР:

- зилзила;
- кўчки;
- сел;
- сув тошқини  
ва ҳ.қ.

## ОБЪЕКТНИНГ ЖОЙЛАШГАНЛИГИГА ҚАРАБ

- қурилиш тавсифи;
- транспорт  
коммуникациялари кўп  
жойлашганлиги;
- потенциал хавфли  
объектларнинг  
мавжудлиги

Иқтисодиёт объектининг  
барқарорлигини баҳолаш жараёнида  
қуйдагилар ҳисобга олиниши  
мақсадга мувофиқдир

1. Ишлаб чиқариш жараёни барқарорлигини баҳолаш.
2. Фавқулодда вазиятлар таъсири  
натijasида иккиламчи шикаст  
омилларининг тавсифи ва таъсири  
даражаси.



3. **Объектнинг таъминот тизими ва ишлаб чиқариш алоқалари, уларнинг ишончлиги.**
4. **Заҳиралар, автоном таъминот манбалари мавжудлиги ҳамда ишлаб чиқаришнинг керакли маҳсулот чиқаришини таъминлаб берадиган бошқа таркибий манбалар.**
5. **Бошқарув ва хабар бериш тизимининг ишончлиги.**

# Тармоқлар ва иқтисодиёт объектларининг барқарор фаолияти тадбирлари қуйидагилардан иборат:

## Ташкилий тадбирлар – ишлаб

чиқариш ходимларни ФВ шароитида муҳофаза қилиш (жамоа муҳофаза воситалари, шахсий муҳофаза воситалари, саноат, тиббиёт воситалари билан таъминлаш, кўчириш усуллари ҳамда ҳаётий фаолиятини таъминлаш, яъни озиқ–овқат, сув манбаларини, модий бойликларни муҳофаза қилиш) режасини ишлаб чиқиш демакдир.

## Илмий тадқиқот тадбирлар –

Иқтисодиёт вазирлиги, ФВВнинг, ҚР Вазирлар Кенгашининг, вазирликлар ва идораларнинг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларнинг, авария ва ҳалокатларни олдини олишга ҳамда табиий офатлардан иқтисодиётга етадиган моддий зарарни максимал камайтиришга, тармоқлар ва ўта муҳим объектлар ишлаши барқарорлигини оширишга йўналтирилган муҳандислик –техник ва бошқа тадбирларни ишлаб чиқиш, режалаштириш ҳамда амалга ошириш ҳақидаги таклифларини кўриб чиқади.

Технологик тадбирлар – бу ҳар бир корxonанинг ишлаб чиқариш хусусиятини, технологиясини ҳисобга олиб ишлаб чиқиладиган тадбирлар.

Муҳандислик-техник – амалга оширилишига катта капитал маблағлар сарфланишини талаб қиладиган, узок муддатлар давомида амалга ошириладиган энг муҳим тадбирлардир. Муҳандислик-техник мажмуалари ишлаб чиқариш иншоотларини, коммунал-энергетик тизимларини, ускуналар, жиҳозлар, технологик коммуникациялар ва бошқа иншоотларни ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариш объектларининг sanoat  
xavfsizligini tartibga solishda  
huquqiy munosabatlarini

«Xavfli ishlab chiqarish ob'ektlarining  
sanoat xavfsizligi tufri-sida»gi  
(28.09.2006 y.) Uzbekiston Respublikasi  
Qonuniga asosan belgilanadi

«Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ хавфли ишлаб чиқариш объектлари жумласига қуйидаги хавфли моддалар:

**1) портлаш-ёнғин хавфи бўлган муҳитни юзага келтириши мумкин бўлган моддалар;**

**\*Тасдиқланган стандартларга мувофиқ тирик организмга таъсир қилиш даражасига кўра I, II, III хавфлилик даражаларига (ўта хавфли, юқори даражада хавфли ва ўртача даражада хавфли) мансуб зарарли моддалар;**

**\*Муайян турдаги ташқи чоғида иссиқлик ажратган ва газлар ҳосил қилган ўз-ўзидан жуда тез тарқаладиган кимёвий ўзгарувчан портловчи моддалар;**

**\*Инсон соғлиғи ва атроф муҳит учун хавфли концентрацияли моддалар мавжуд бўлган ишлаб чиқариш чиқиндилари фойдаланиладиган, ишлаб чиқариладиган, қайта ишланадиган, ҳосил қилинадиган, сақланадиган, ташиладиган, йўқ қилинадиган.**

Хавфли ишлаб чиқариш объектлари жумласига  
қуйидаги хавфли моддалар:

2) 0,07 мегапаскалдан ортиқ босим остида ёки  
ишлатиладиган суюқликнинг нормал атмосфера  
босимидаги қайнаш ҳароратидан ортиқ  
ҳароратда ишлайдиган ускуналардан  
фойдаланиладиган;

3) Кўчмас асосга ўрнатилган юк кўтариш  
механизмлари, эскалаторлар, осма йўллар,  
фуникулёрдан (тоғ темир йўлларида)  
фойдаланиладиган;

Хавфли ишлаб чиқариш объектлари жумласига  
қуйидаги хавфли моддалар:

4)Қора ва рангли металллар эритмалари ҳамда  
ушбу эритмалар асосида қотишмалар олинадиган;

5)Қончилик ишлари, фойдали қазилмалари  
қазиб олиш ва бойитиш ишлари, шунингдек ер  
ости шароитида иш олиб бориладиган корхоналар  
ёки уларнинг цехлари, участкалари,  
майдончалари, бошқа ишлаб чиқариш  
объектлари киради.



Иқтисодиёт объектни хавфли ишлаб чиқариш объектлари категориясига киритиш объектнинг хавфлилиги белгиларини аниқлаш асосида уни ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШ жараёнида амалга оширилади.

Объектни белгилар бўйича хавфли ишлаб чиқариш объектлари категория-сига киритишда хавфсизликнинг тегишли қоидаларига мувофиқ ҳам «Саноатгео-контехназорат» давлат инспекциясида рўйхатдан ўтказиладиган, ҳам рўйхатдан ўтказилмайдиган техника қурилмалари ва иншоотлар ҳисобга олинади.

«Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.12.2008 й. 271-сонли Қарорига асосан

1.Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш тартиби (1-Иловага мувофиқ);

2.Саноат хавфсизлиги экспертизаси тизими (2-Иловага мувофиқ);

3.Ўзбекистон Республикасида путур етказмай-диган назорат тизимини шакллантириш ва ривожлантириш концепцияси (3-Иловага мувофиқ);

4.Хавфли ишлаб чиқариш объектининг саноат хавфсизлиги декларациясини ишлаш тартиби (4-Иловага мувофиқ);

5.Хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган тақдирда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тартиби (5-Иловага мувофиқ).

Иқтисодиёт объектларидаги тадқиқот асосий вазифаларини ҳал этиш, объект маъмурияти ва хизматларининг мавжуд бўлимлари негизида ташкил этиладиган тадқиқот гуруҳларига бошчилик қилувчи бош мутахассислар зиммасига юклатилади.

Объектда тадқиқотлар учун қуйидаги тадқиқот гуруҳлари ташкил этилади:

- \*тадқиқотлар гуруҳи раҳбарлари – бош муҳандис;
- \*ишчилар, хизматчилар, улар оила аъзолари гуруҳи ҳамда уларнинг ҳаётий фаолиятини таъминлаш – кадрлар бўлими бошлиғи;
- \*асосий ишлаб чиқариш фондлари барқарорлиги – бош механик;
- \*энергия таъминоти барқарорлиги – бош энергетик;
- \*моддий-техник таъминоти ва ишлаб чиқариш алоқалари барқарорлиги - ФМ штаби ва хизматларининг бошлиғи;
- \*технологик жараён барқарорлиги - бош технолог;
- \*издан чиққан ишлаб чиқаришни қайта тиклашга тайёрлаш – капитал қурилиш бўлим бошлиғи.

**Иқтисодиёт объект раҳбарининг буйруғи Вазирлик (идора)нинг буйруғига асосан, корхона хусусиятларини ҳамда объектнинг тадқиқот ўтказиш давридаги ишлаб чиқариш фаолиятига боғлиқ аниқ шароитни ҳисобга олган ҳолда.**

**Буйруқда қуйидагилар кўрсатилади:**

- бўлажак иш мазмуни ва уни ташкил этиш учун асос;
- тадқиқот ўтказиш вақти;
- объект ишлаши барқарорлигини тадқиқ қилиш мақсадлари;
- тадқиқот ишлари иштирокчиларининг таркиби;
- тадқиқот гуруҳларининг асосий вазифалари;
- тадқиқот ўтказиш тартиби;
- ҳисобот хужжатларини тайёр бўлиш муддатлари.

**Буйруққа мувофиқ тадқиқот раҳбарлари  
гуруҳи фуқаро муҳофазаси органлари билан  
биргаликда қуйидагиларни ишлаб чиқади:**

- тадқиқотларни тайёрлаш ва ўтказиш Календар режаси-унда тадқиқотларга тайёргарлик асосий тадбирлари ҳам белгиланади;
- тадқиқотлар ўтказиш навбати ва муддатлари;
- масъул ижрочилар рўйхати;
- тадқиқотларда иштирок этувчи ҳамма хужжатларни тайёрлаш, тадбирларини ишлаб чиқиш тартиби ва муддатлари.

## Объект ишлаши барқарорлигини тадқиқ этиш босқичларида қуйидагилар белгилаб қўйилади:

- 1-босқичда-1-3 ой мобайнида объектнинг нозик томонларини таҳлил қилиш ва объект ишлаши барқарорлигига баҳо беришни ҳисоблаш маълумотларини тайёрлаш.
- 2-босқичда-10-15 кун мобайнида объектнинг ФВдаги барқарорлигини ошириш ва фаолият тадбирларини ишлаб чиқиш.
- 3-босқичда-2-5 кун мобайнида қилинган ҳисобларни ҳамда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни тўғрилигини текшириш (таҳлил қилиш).

Тадқиқот гуруҳларининг раҳбарлари эришилган барқарорлик даражасини таҳлил қилади, объект барқарорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади, издан чиққан ишлаб чиқаришни қайта тиклаш ҳамда бутун қолган ва қайта тикланаётган биноларда маҳсулот чиқаришни ташкил этиш тадбирларни белгилайди.

## Тадқиқотлар ўтказиш иккинчи босқичида қуйидаги масалалар ўрганилади:

- объект ҳамма элементларининг ФВда шикастланувчи омиллардан шикастланувчанлигига баҳо бериш;
- иккиламчи омиллардан эҳтимол бўлган шикаст ва вайронликлар характери ва даражасини аниқлаш;
- эҳтимол бўлган шароитни олдиндан тахминлаш натижаларига биноан иқтисодиёт объектини аҳволини таҳлил қилиш;
- бошқарув, таъминот тизимларининг, маҳсулот етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан ишлаб чиқариш ва кооператив алоқалар ишончлилигига баҳо бериш;
- ФВда маҳсулот чиқаришни таъминлаб берувчи бутун ишлаб чиқаришга баҳо бериш.



Тадқиқотлар натижасига асосан тадқиқотлар натижаси ҳақида Ҳисобот ёзилади ва объект ишининг барқарорлигини ошириш тадбирлари Режаси тузилади.

### **Ҳисоботда қуйидаги масалалар ёритилади:**

- тадқиқотлар мавзуси, мақсади, вазифалари ва хусусиятлари;
- объект ишининг барқарорлигига берилган баҳодан чиқадиган хулосалар;
- объект ишининг барқарорлигини ошириш тадбирлари;
- объект кучлари билан ўтказиладиган тадбирларнинг бажарилиш муддатлари;
- ўтказиш учун Вазирлик ёрдами талаб қилинадиган тадбирлар;
- режалаштирилган тадбирларни ўтказиш учун керак бўладиган молия маблағлари ва моддий-техника воситалари;
- тадқиқотлар мобайнида ҳал бўлмаган, илмий-тадқиқот ва илмий-конструкторлик ташкилотларида охирига етказиш талаб қилинадиган масалалар.

Объект иши барқарорлигини ошириш  
тадбирлар РЕЖАСИ тадқиқот  
натижаларини умумлаштирувчи асосий  
хужжат ҳисобланади. Тадқиқот  
натижалари юзасидан ҳисобот ҳамда  
объект иши барқарорлиги тадбирлари  
режаси техник кенгашда муҳокама  
қилинади. Кейин бу хужжатларга объект  
раҳбари имзо чекади ва улар керакли  
ресурслар сметаси билан бирга тегишли  
вазирликка жўнатилади.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Фуқаро муҳофазаси бошлиғи

\_\_\_\_\_ барқарорликни ошириш  
**РЕЖАСИ**

Қуйидаги қисмлардан иборат бўлади:

1. Объектнинг умумий тавсифи.
2. Бино ва иншоотларнинг тузилишига, режалаштириш ҳажмларига оид тавсифлар ва ёрдамчи бино, иншоотлар.
3. Энергия таъминоти тизими.
4. Сув таъминоти тизими.
5. Қўриқлаш ва ёнғин хавфсизлиги муҳофазаси.
6. Объектнинг узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш.
7. Авария-тиклаш гуруҳи ва бошқа тузилмаларнинг рўйхати.
8. Иловалар:
  - Объектнинг барча ташқи ёнғин хавфсизлиги сув таъминоти тизимлари кўрсатилган бош режаси;
  - Бино ва иморатларининг қаватлилиги, улардаги электр тарқатувчи қурилмалари, ички ёнғинни ўчириш кранлари тасвирланган режа;
  - Электр энергияни истеъмолчиларга тақсимланган бир чизиқли тасвири.

**МУҲАНДИСЛИК-  
ТЕХНИК  
КОМПЛЕКСНИ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ**

**ИККИЛАМЧИ  
ОМИЛЛАР  
ТАЪСИРИНИНГ  
ЧЕКЛАШ  
ТАДБИРЛАРИНИ  
АМАЛГА ОШИРИШ**

**ХОДИМЛАР ВА  
УЛАРНИНГ ОЙЛА  
АЪЗОЛАРИНИ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ,  
УЛАРНИНГ ҲАЁТИЙ  
ФАОЛИЯТЛАРИНИ  
ТАЪМИНЛАШ**

**ИҚТИСОДИЁТ ОБЪЕКТИ ФАОЛИЯТИ  
БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ  
АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
ВА ХЎЖАЛИК  
АЛОҚАЛАРИ  
ИШОНЧЛИГИНИ  
ОШИРИШ**

**БОШҚАРУВ  
ИШОНЧЛИГИНИ  
ОШИРИШ**

**ИЗДАН ЧИҚҚАН ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШНИ КАЙТА  
ТИКЛАШГА ТАЙЁРЛАШ**

**Ишлаб турган ходимлар ва уларнинг оила  
аъзоларини муҳофаза қилиш, уларнинг ҳаётий  
фаолиятларини таъминлаш:**

- муҳофаза иншоотлари фондини кўпайтириш;
- хавфли жойлардан ишчи, хизматчиларни  
уларнинг оила аъзоларини эвакуация қилиш;
- шахсий муҳофаза воситалари ва тиббий муҳофаза  
воситалари билан таъминлаш;
- хабар бериш тизимини шай ҳолатда сақлаш;
- аҳолига ФВда муҳофаза усуллари ва хатти-  
ҳаракатни ўргатиш;
- шаҳардан ташқари зонани (эвакуация қилинганлар  
зонасини) ўзлаштириш ва жиҳозлаш ҳамда бошқа  
тадбирлар.

## Муҳандислик-техникавий комплексни муҳокама қилиш.

- \*темир-бетон конструкциялардан каркас турдаги муҳим иқтисодиёт объекти қуриш;
- \*иқтисодиёт объектини ер остига, кон қавланмаларига жойлаштириш ;
- \*сал чуқурлаштирилган типдаги, пастроқ иморатлар, иншоотлар қуриш;
- \*вертикал конструкцияларни горизонталларига алмаштириш;
- \*конструкциялар пишиқлигини мустаҳкамлигини ошириш;
- \*иморат ва иншоотларни, жумладан иккилами омиллар таъсирига қарши айлантириб ўраш ва тупроқ тортиб ўраш;
- \*ускуналарни ўрам элементлари, конструкциялари енгил, куймайдиган иморатларга олиб кириб ўрнатиш;
- \*энергия, сув, газ, иссиқлик таъминоти тизимлари (захира, автоном манбалар ва ҳ.к.) ишлаши барқарорлигини таъминлаш;
- \*белгилаб қўйилган меъёрларга мувофиқ ускуналар, унинг номенклатура материаллари ва ҳ.к. захирасини яратиш;
- \*хом ашё, материаллар, захира қисмлар, бутловчи қисмлар ва ҳ.к.ни шаҳардан ташқари зонага чиқариш.

## Иккиламчи омиллар таъсирининг чеклаш тадбирларини амалга ошириш ўз ўрнида:

- \*сув босиш эҳтимоли бор зоналарда муҳофаза тадбирлари ўтказиш режаларини ишлаб чиқиш;
- \*ишлаб чиқариш авариялари, ҳалокатларини бартараф қилиш режаларини ишлаб чиқиш;
- \*кучли таъсир этувчи заҳарли, портлаш хавфи бор, осон ёнувчан моддалар, материаллар захирасини камайтириш, улар сақланишини ташкил этиш;
- \*тўғинлар, айланма (ҳалқа) каналлар барпо этиш, иншоотлар, омборхоналар ва Ҳ.к. атрофига тупроқ тортиб тўсиш;
- \*кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар ишлатиладиган жойларда авария ташламалари, тутиб қолиш қурилмаларини барпо этиш;
- \*автоматик ўчириш қурилмалари, ажраттич-клапанлар, бошқа томонга ўтказиб юборадиган сурма тўсиқлар ва Ҳ.к. ўрнатиш;
- \*ишлаб чиқариш таъминоти тадбирлари кенг кўламли комплексини ўтказиш (замонавий ўт ўчириш воситалари, автоматик ёнғиндан хабар берувчи ва ўчириш қурилмалари, тайёргарлик кўрган тузилмалар ва Ҳ.к. мавжудлиги) ёритиш зарур.

## Ишлаб чиқариш ва хўжалик алоқалари ишончилигини ошириш:

- \* ФВда хом ашё, маҳсулот етказиб берувчилар билан ишлаб чиқариш алоқаларини максимал даражада камайтириш;
- \* ишлаб чиқариш алоқаларини ўз иқтисодий минтақасида ва Қўшни республикалар объектларида қидириб топишни ташкил этиш;
- \* фавқулодда режим шароитида захирадаги барқарор мол етказиб берувчилар бўлишига эришиш;
- \* объект таъминотини резервдаги автоном манбаларга ўтказиш имконияти бор тизимини ишлаб чиқиш;
- \* издан чиққанда таъминлаш кўчма воситаларини кўпайтириш;
- \* битта саноат зонасидаги бошқа объектлар билан кооператив таъминланишни (электр энергияси, сув, газ, пар ва Ҳ.к. нарсалар таъминотини) ташкил этиш;
- \* захиранинг авария захирасини яратиш;
- \* хом ашё, материалларини муҳофазасини таъминлаш, сақланишини ташкил этиш ва бўлиб-бўлиб тарқатилиш;
- \* коммуникацияларни ўрнини босадиган қилиш ва халқа тарзида бирлаштириш.



## **Бошқарув ишончилигини ошириш:**

- асосий, захира ва кўчма бошқарув пунктлари тизимини яратиш, уларни жиҳозлаш ва бутлаш;
- барча (объект, туман, шаҳар) бошқарув органларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш, алоқа ва хабар бериш тизимларидан келишиб фойдаланиш;
- алоқа ва хабар бериш ишончли тизимини ташкил этиш;
- ФВдаги шароит ҳақида маълумотларни йиғиш, умумлаштириш ва қайта ишлаш (таҳлил қилиш), қутқариш ва бошқа шошилинич ишларни ўз вақтида ташкил этиш;
- айрим ишлаб чиқариш участкаларини, айрим агрегатларни узоқдан бошқариш пультини жиҳозлаш;
- техник ҳужжатларнинг нусхаларини тайёрлаш ва уларни ишончли сақланишини таъминлаш.

## Издан чиққан ишлаб чиқаришни қайта тиклашга тайёрлаш:

- \*объектнинг эҳтимоли бўлган шикастланиш вариантларини ишлаб чиқиш ҳамда қайта тиклаш ишлари характери ва ҳажмини аниқлаш (тадқиқотлар мобайнида);
- \*қайта тиклаш ишларини олиб боришни ташкил этиш ва унинг усуллари юзасидан, шунингдек саноат бинолари ва иншоотларини енгил қурилиш конструкциялари, табиий офатлар асоратида бузилган материалларни ишлатиб, қайта тиклаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;
- \*иморат ва иншоотларни қисқа муддатларда қайта тиклаш талабларига жавоб берадиган енгил, пишиқ, ўтга чидамли материаллардан буюмлар ва конструкцияларни оммавий ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўриш;
- \*қайта тиклаш ишларини олиб бориш учун куч ва воситаларни тайёрлаш;
- \*ишлаб чиқаришни қайта тиклаш учун хом ашё ва материаллар, керакли захирасини яратиш ҳамда уларни хавфсиз жойларда сақлаш;
- \*қурилиш ва технология ҳужжатлари ишончли сақланишини таъминлаш.

Иқтисодиёт объекти ишлаши барқарорлигини ошириш Режаси юкори бошқарув органларининг (бирлашма, бош бошқарма, идора, вазирликнинг) тавсияларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

Режанинг биринчи қисмида объектлар, вазирликлар тинчлик даврида ўтказадиган тадбирлар белгиланади ҳамда, зарурат бўлса, ҳукумат қарорлари талаб этиладиган тадбирлар кўзда тутилади.

Режанинг иккинчи қисмида эҳтимоли бор ФВ вақтида бажарадиган тадбирлар ҳамда ҳукумат қарорлари талаб этиладиган тадбирлар белгиланади.

Иқтисодиёт объекти (тармоғи) ишлаши барқарорлигини ошириш режаси фавқулодда вазиятларда объект (тармоқ) ишлаши барқарорлигини ошириш масалаларида ўтказилган тадқиқотлар натижаларига, эришилган даражага берилган баҳога қараб ўрганиб чиқилади.

Режани тадқиқотлар раҳбари бошчилигида бош мутахассислар, тадқиқот гуруҳларининг раҳбарлари ўрганиб чиқадилар.

ЭЪТИБОРИНГИЗ

УЧУН

РАҲМАТ!